O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 17 сентябрь, шанба • № 76 (11.775) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 9400 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 18605 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 9400 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 18605 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони (4-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 14 сентябрь.

Пахта — 2005

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН КИРИШИЛДИ

Деҳқонлар орзиқиб кутган ҳаяжонли дамлар бошланди. Вилоятимиз пахтакорлари машаққатли меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш ниятида йиғим-теримга оммавий киришдилар.



«Авангард» фермерлар уюшмаси ҳудудидаги «Эргашбой ўғли Абдусалом» фермер хўжалиги аъзолари теримни Бекобод туманида биринчилардан бўлиб бошладилар.

СУРАТЛАРДА: *мавсумда 6 тонна хом ашё териб беришга аҳд қилган Наргиза Эргашева кунига хирмонга 100 килограммдан ошириб пахта тўкмоқда; тарозибон Усмонали Қурбонов терилган пахтани пешма-пеш қабул қилиб олмоқда.*

Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Беистисно барча туман ва хўжаликларда йиғим-терим ҳамда хом ашёни нес-нобуд қилмай ташиб олиш билан боғлиқ ишлар вилоят ҳокимининг «2005 йил пахта ҳосилини кечиктирмай йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилмоқда. Хусусан, бу йилги пахта ҳосилини кечиктирмай ва сифатли йиғиштириб олишни ташкил этиш бўйича тузилган вилоят ҳамда барча туман ишчи комиссиялари ўз фаолиятини бошлади. Вилоят «Матлубот-савдо» ва «Toshkent regional trayding» акциядорлик компаниялари, «Вилоятбозорсавдо» акциядорлик жамияти, дон маҳсулотлари корхоналари йиғим-терим қатнашчиларини кундалик зарур озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва «Доридармон» давлат акциядорлик бирлашмаси терим мавсумига жалб этилганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва керакли дори-дармонлар билан таъминлашга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришмоқдалар.

Мавсумга сафарбар этилган қўл терими иштирокчилари, «Кейс» операторлари, юк транспорти ҳайдовчилари, умуман, мавсумга жалб этилган барча хизматчиларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Терим техникаларига бевосита далаларда ёнилғи қуйиш ва сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

Теримга барвақт ва пухта тайёргарлик кўрилган, ташкилий тадбирлар оқилона амалга оширилаётган туманларда кунлик суръат тез ўсиб бормоқда. Чунончи, ҳар йили отни барвақт қамчилаб, мавсумни қисқа муддатда якунлаб, шартнома режасини ортиғи билан бажарадиган Чиноз тумани бу йил ҳам карвонбошиликни ўз қўлига олди. Чинозликлар, кунлик теримда ҳам пешқадамлик қилиб, йиллик режанинг 3 фоизидан ошириб пахта топширмоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, вилоятнинг умумий пахта хирмонига энг кўп улуш қўшадиган Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Оққўрғон туманлари пахтакорлари кунлик суръатда илғорлар қаторида боришмоқда. Ўртачирчиқ, Пскент туманларида ҳам терим суръати кун сайин тезлашмоқда.

Бу йил вилоят бўйича 25760 гектар майдондаги ҳосилни машиналарда териб олиш режалаштирилган. Бунинг учун 184 та «Кейс» комбайнлари ишга шай ҳолга келтириб қўйилган. Эрта-индин улар ҳам далаларга олиб чиқилгач, вилоятда йиғим-терим янада авж паллага киради.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Халқ таълими вазирлигининг Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази янги – 2005-2006 ўқув йилги фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда марказ фаоллари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, чуқур билимли, мустақил фикрловчи шахс этиб ўсяга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидладилар. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ўқувчиларнинг нафақат мактаб, балки мактабдан ташқари таълим муассасаларида чуқур билим олиши, ушбу даргоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда беш юздан кўпроқ мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд. Уларга беш юз ўттиз минг нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган. Мазкур муассасаларнинг бир юз ўттиз олтитаси техник ижодиёт марказларидир. Ушбу марказларда тўқсон етти мингдан ортиқ ўғил-қиз бўш вақтини сермазмун ўтказмоқда. Улар асосан илмий, техникавий, миллий ҳунармандлик бўйича тўгаракларда ўз билимини чуқурлаштирмоқда. Бу эса ўқувчиларда фаоллик, зукколик, интилувчанлик каби фазилатларни шакллантириш баробарида, келгусида уларнинг касб танлашида муҳим ўрин тутади.

Тадбирда пойтахтимиз мактаблари билан бирга меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб интернатлар ўқувчиларини ҳам қамраб олган Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида бу борада орттирилган тажрибани оммалаштириш яхши самара бериши қайд этилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Республика Президенти,

Мен 2005 йил 24-31 август кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро фестивали ишида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига ҳамда шахсан Сизга, жаноб Президент, менга кўрсатилган иззат-эҳтиром ва самимий қабул учун чуқур мамнуният изҳор этишни истардим.

Ташрифим давомида мен мамлакатингизнинг ЮНЕСКО мақсадлари ва вазифаларига монанд бўлган тадбирларни юксак даражада ташкил этиш борасидаги салмоқли саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаш имконига эга бўлдим.

Мен Сизнинг ташаббусингизни давом эттиришга тайёрман. Зотан, у мусиқа ва санъат орқали маданий ранг-барангликкa янада улкан ҳисса қўшади. Ўзбекистонда кўнгилли ўтган кунлар учун яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Жаноб Республика Президенти, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Майкл Омелева,
ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти.

«Оҳангарон» ширкат хўжалигида паррандачиликни саноат негизида ривожлантиришга ихтисослашган янги фермер хўжалиги ташкил этилди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Германия технологияси асосида жиҳозланган бу фермада Самарқанддаги Ўзбекистон — Германия наслчилик корхонасидан келтирилган зотдор товуқлар тухум етиштириш бўйича хўжаликка катта фойда бермоқда.

Мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда яқинда хўжаликда эски ферма биноси қайта таъмирланиб, гўштдор бройлер товуқларини парваришлаш ҳам йўлга қўйилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИ

Тошкентдаги Бизнес-марказда TUV Academy халқаро тренинг компанияси қошидаги «Сифат бўйича менеджер» клуби ташаббуси билан бошқарув маслаҳат тизими орқали мамлакатимиз корхоналарининг экспорт салоҳиятини юксалтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур тадбирда республикамизнинг қиррқа яқин корхонаси вакиллари иштирок этишди. TUV Academy компанияси мутахассиси Риад Иброҳимовнинг маълум қилишича, ISO-9001 стандарти бўйича сертификатлаштирадиган орган ҳисобланадиган «Global Consulting» қўшма корхонаси, «Sifat Consulting» масъулияти чекланган жамияти ва «Management Consulting» билан бирга ўтказилган жорий йилдаги учинчи семинар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда экспорт имкониятини таъминлайдиган сифат менежменти сертификатлари мамлакатимиздаги элликта корхонага берилган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ва TUV компанияси томонидан сертификатлаштирилган бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Мазкур компания ташаббуси билан 2005 йилнинг мартида ташкил этилган ихтисослаштирилган клуб жаҳон стандартлари асосида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар доирасини кенгайтиришга кўмак беради.

Клуб доирасида хорижий экспертларни жалб этган ҳолда сифат бўйича менежерлар учун ўқув ташкил этилди, бизнес-ғоя ишланмалари, сифат учун мукофот таъсис этиш бўйича истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

— Бунда бошқарув қарорларини қабул қилувчи ҳар бир корхона раҳбарининг аниқ позицияси катта аҳамият касб этади, — деб қайд этди Р.Иброҳимов. — Шу туфайли ҳам охирги семинарда корхона раҳбарларини ўқитишга алоҳида эътибор берилди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашга тартибли ёндошиш ва клуб ишида мунтазам иштирок этиш жорий йилнинг сентябрида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармасининг сертификация аудитидан муваффақиятли ўтиб, ISO-9001 стандартига мувофиқлиги сертификатини қўлга киритишига омил бўлди.

TUV — назоратчиларнинг техник уюшмаси — 1868 йилда Германияда ишлаб чиқаришни назорат қилиш органи сифатида иш бошлади. Ҳозирги пайтда мазкур компания жаҳондаги учта йирик халқаро сертификатлаштириш ташкилоти учлигига кирган бўлиб, қирқта мамлакатда аккредитация қилинган.

«Туркистон-пресс».

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Чирчиқ шаҳрида кўплаб кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосан ишлаб чиқариш, савдо, маиший ва пуллик хизмат соҳаларида фаолият юритмоқда.

Шу йилнинг 9 ойи давомида 121 та юридик ҳамда 276 жисмоний шахс ўз фаолиятини йўлга қўйишга эришди. Шу ўринда тегишли ташкилотлар томонидан уларга имтиёзлар яратиш, кредитлар бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Йил охиригача тадбиркорларга 2 миллиард 175 миллион сўм миқдорида кредит бериш режалаштирилган.

Феруза НАЗАРОВА.

ИЖРО НАЗОРАТИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Дон — юрт бойлиги, элнинг ризқ-рўзи. Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришиб, ўзининг барқарор иқтисодий тараққиётига асос яратди.

Бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил олинди. Вилоятимизнинг барча мулкчилик шаклидаги хўжаликларида 501 минг тонна бошоқли дон етиштирилди. Шартнома мажбуриятлари бўйича давлатга 275 840 тонна дон сотилиб, режа 102,6 фоиз бажарилди.

Лекин қишки ва баҳорги агротехника тадбирлари лозим даражада ўтказилмаганлиги, ўрим-йиғимга етарли тайёргарлик кўрилмаганлиги оқибатида Оҳангарон ва Янгийўл туманларида дон етиштириш режалари бажарилмади.

Оҳангарон туман прокуратураси томонидан МТП акциядорлик жамиятида ўтказилган мониторинг жараёнида 8 та «Магнум» русумли ҳайдов техникаси ҳисобот кўрсаткичларида мавсумга тайёр деб кўрсатилганлиги, ҳақиқатда эса уларнинг 5 таси носоз бўлиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, ҳосилни йиғиб олиш учун етарли эҳтиёт қисмлар заҳираси яратилмаган, кўчма устахоналар ташкил этилмаган. Натижада вилоят МТПлар бирлашмаси томонидан С. Раҳимов номли ва «Оҳангарон» ширкат хўжаликларига ғалла ўрими учун Тош-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Анвар Набиев мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини Бош прокуратуранинг Андижон воқеалари юзасидан тергов ҳаракатларининг боришига оид баёноти билан таништирди.

Журналистларга жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий иш материаллари бўйича маълумотлар тақдим этилди.

Баёнотда қайд этилганидек, Андижон воқеаларининг ташкилотчилари пухта сценарий ишлаб чиққан. Бу сценарий қуролли гуруҳлар тузиш, уларни қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминлашни ўз ичига олган. Шу мақсадда террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик жойи сифатида Қирғизистоннинг жанубий вилоятлари танланган. У ерда хорижий инструкторлар 70 нафар диний экстремистга қўпорувчилик-террорчилик усулларини ўргатган.

Журналистларга тақдим этилган материаллардан аён бўладики, Андижон воқеалари «сценарийчилари» мазкур ҳаракатларга «тинч фуқаролар чиқишлари», «кенг аҳоли оммаси намойиши» тусини беришни ва уларга қарши ҳукумат қўшинлари ғўёки жанговар ҳаракатлар олиб бораётгандек манзара яратишни кўзлаган.

Айнан шу боис, террорчилик хуружи билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор хорижий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва чет эл хайрия жамиятларининг олдиндан хабардор қилинган вакиллари ҳали воқеалар бошланмасидан аввал 9, 10 май кунлари, кўпчилиги эса май ойининг биринчи кунларидаёқ Андижонга чегарадош ҳудудларда тўплана бошлаганига журналистларнинг эътибори қаратилди.

Учрашувда матбуот вакиллари эътибори жиноий ишнинг 15 нафар ўта фаол иштирокчига оид қисми Олий судга кўриб чиқиш учун топширилгани, қолган 106 нафар айбланувчига нисбатан тергов якунига етаётгани ва улар ҳам суд олдида жавоб беришига қаратилди.

ЎзА.

2006 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

ВЕСТМИНСТЕР ИЛК ДИПЛОМЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзмиллийбанк», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбектелеком» компаниялари ва республиканинг бошқа ташкилотлари Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг (ТХВУ) биринчи битирувчиларини ишга олиш истагини билдирди.

Куни кеча ўтказилган университет талабаларининг биринчи битирув маросимида уларга Лондондаги энг таниқли олий ўқув юртларидан бири – Вестминстер университети дипломлари топширилди.

ТХВУда тўртта факультет бор – иқтисод, бизнес-маъмурият, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ. Машғулотлар инглиз тилида олиб борилади. Таълимнинг узвий қисми – талабалар ўз ихтисослари бўйича республика ташкилотларида амалиётни ўташидир. Олий ўқув юртининг вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар билан бундай ҳамкорлиги талабаларда ижодий фикрлаш ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Сентябрда университетда грант ва шартнома асосида таълим олаётган 460 йигит-қизга бу йил ўқишга кирган яна 120 нафар талаба қўшилди.

ТХВУнинг бизнес-маъмурият факультетини аъло баҳоларга тамомлаган Акбар Саиткулов Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Жаҳон бозорлари маркетинги ва стратегик прогнозлар бош бошқармасига ишга олинди.

ЎзА.

2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий биоэтика қўмитаси, ЮСАИД ва СиДиСи халқаро ташкилотлари ҳамкорлигида биоэтика масалаларига бағишланган биринчи миллий конгресс бўлиб ўтди.

БИОЭТИКА МИЛЛИЙ КОНГРЕССИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли давлат, жамоат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, шифокорлар, биолог, ҳуқуқшунос ва файласуф олимлар, МДҲ давлатлари, Жанубий Африка, Филиппин, Сингапур каби мамлакатлар мутахассислари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Биоэтика ҳаракатига ўтган асрнинг етмишинчи йилларида америкалик олимлар томонидан асос солинган эди. Бугунги кунда бу фан амалий этиканинг муҳим қисми сифатида ахлоқий ва маънавий масалаларни тадқиқ этаётир. Янги тиббий технологияларни яратиш, одам геноми сирларини очиш, ирсият, клонлаштириш, генетик модификация қилинган моддаларни тарқатиш ва улардан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш сингари ҳозирги замон фани эришаётган ютуқлар жараёнида биоэтика меъёрларига амал қилиш масалалари мазкур фаннинг диққат марказида турибди.

Ҳамкорлик доирасида ташкил этилган икки кунлик конгрессда биоэтиканинг ҳуқуқий ва фалсафий асослари, тиббий таълим ҳамда ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқотлар жараёнида бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, янги препаратлар ва технологияларнинг клиник текшируви ва ахлоқий мезонлари, экологик барқарорликни таъминлаш ва инсон саломатлигини муҳофазалаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

КАРДИОЛОГЛАР ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИЛАР

Жорий йилнинг 26-28 сентябрь кунлари Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари кардиологлари ассоциациясининг навбатдаги V конгресси бўлиб ўтади. Ассоциация аввалги конгрессларини Москва, Бишкек, Алмати, Санкт-Петербург шаҳарларида ўтказган эди.

Навбатдаги йиғин учун Тошкент, яъни бизнинг мамлакат танлангани бежиз эмас. Чунки, бугун Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, кардиология соҳасига берилаётган эътибор ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган муваффақиятлар ассоциация назаридан четда қолаётгани йўқ. 2003 йилда мамлакатимизда махсус республика кардиология марказининг фаолият бошлагани фикримизнинг яққол далилидир. Ушбу марказ ўз вақтида замон талабларига мос жиҳозланди, хориж технологиялари билан таъминланди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичида марказнинг ташкил этилиши, кардиология соҳасидаги бир қатор муаммоларнинг ҳал бўлиши ва бу борадаги айрим касалликларнинг даволанишига сабаб бўлди. Хусусан, юрак қон-томир тизимидаги ўта оғир хасталиклар айни кунда марказ томонидан аниқланмоқда. У ерда 10 дан зиёд малакали шифокор ва 30 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатмоқдалар. Марказда 7 та махсус бўлим ташкил этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳар бир вилоятда кардиология диспансери шифохоналари беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Сўлим гўшалардан бўлмиш Тошкент денгизи бўйида вилоятнинг ана шундай муассасаси фаолият олиб бормоқда. Беморлар бу ерда нафақат даволанадилар, балки ҳордиқ ҳам чиқарадилар. Денгизнинг шабадаси, баҳаво боғлар беморларни тезда соғайиб кетишларига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу ерда кардиология соҳасидаги барча хасталикларни даволаш учун имконият ва шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шифохонада ўз касбининг фидойилари бўлган шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишмоқда.

МДҲ мамлакатлари кардиологлари ассоциацияси ҳар конгрессда ўз давлатларидаги ана шундай ютуқлар билан ўртоқлашадилар, муаммолар ўртага ташланади, биргаликда қарорлар қабул қилинади. Тошкентда ўтадиган йиғинда ҳам МДҲ мамлакатларининг бу соҳадаги етук мутахассислари, академик ва профессорлари иштирок этадилар. Улар мавзуларга оид маърузалар қиладилар.

Бу сафарги конгрессда ҳам бир қатор масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда. Хусусан, соҳадаги сўнгги изланишлар ва кузатишлар натижалари, шунингдек, юрак қон-томир хасталикларининг эпидемияси ҳамда уларнинг олдини олиш ва бошқа қатор масалалар кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Конгресс давомида иштирокчилар мамлакатимизда бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар билан бевосита танишадилар.

Дилдора ЖАЛДИБОЕВА,
вилоят бош кардиологи.



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти санаторий-профилакторийсида ишчиларни дам олдириш ва даволаш, саломатликларини муҳофаза қилиш яхшиланиб бормоқда.

СУРАТДА: ҳамшира Ирина Трофимова муолажа пайтида.

Нишондорларимиз

ФЕРМЕРНИНГ ШУҲРАТИ

Янгийўл туманидаги «Уфқ» фермер хўжалиги, хусусан, унинг заминдорлари эришаётган муваффақиятлар, ҳосилдорликдаги салмоқли ютуқлар ҳақида бот-бот эшитиб қолардик.

Янгийўлда ҳам ерга меҳр қўйган, унга чинакамига эгалик қила оладиган, ўзи билан бир қаторда қишлоқ одамлари манфаатини ўйлаб, деҳқончиликда янги имкониятлар эшигини очаётган мулкдорлар синфи шаклланиб, кўпайиб бораётгани қувонарли, албатта. Яқинда нишонланган энг азиз, энг улуғ байрамимиз арафасида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар орасида юқоридаги фермер хўжалиги соҳиби Владимир Муродовнинг ҳам борлиги, унинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги бутун туман фермерлари фаолиятининг нишондор тимсолида муносиб эътироф этилганининг далилидир.

Бизнингча, «Уфқ»нинг бошқаларга нисбатан ҳамиша бир қадам олдинда юришининг маълум сабаблари бор. Таъбир жоиз бўлса, бунинг энг асосийси хўжаликда замонавий фермерчиликнинг истиқболли тамойилларига оғишмай амал қилинади. Иккинчидан, «Володя ака» бир ҳатлаб фермерга айланиб қолганлардан эмас. Заминдор эсини таниганидан бери шу соҳада. Колхоз, совхоз, кооперативни, кейинчалик эса, жамоа ва ширкат хўжаликларини ҳам кўрди, шу даргоҳларда ишлади, деҳқончилик тузини тотди, тобланди. Унинг меҳнат дафтарчасида қишлоқ хўжалигидаги фаолияти салкам қирқ йилга етиб қолгани қайд этилган. Албатта, унинг ўсмирлик чоғларида ҳали миробнинг, ҳали тракторчининг, ҳали бригадирнинг орқасидан эргашиб, колхоз ишларига беминнат дастёрлик қилиб юрганлари бу ҳисобга кирмайди...

Хуллас, бундан 10 йил муқаддам асос солинган фермер хўжалиги ўз соҳибининг бетиним изланишлари, саъй-ҳаракатлари, бой тажрибаси самараси ўлароқ йилма-йил, босқичма-босқич ривожланиб бораверди. Хўжаликнинг умумий ер майдони 145 гектарга етди. Айни вақтда унинг қарийб тенг ярмида пахта етиштирилмоқда. Шитоб билан ҳосил тўплаётган экин ҳолатидан деҳқонларнинг дили равшан, кўнгли тўқ. Уларнинг эътирофича, ҳар гектар ердан режадагидан камида 4-5 центнер юқорилатиб хирмон уюлади. Ер эгаларининг ғалла мавсумида ҳам дастлари баланд келди. 70 гектар ғаллазордан қарийб 49 центнердан ҳосил кўтарилди.

Владимир Муродов салоҳиятли ва тажрибали фермер сифатида туман фермерларига ҳам етакчилик қилади, яъни у фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбари. Бу ҳам ўз навбатида ўта масъулиятли вазифа. Бундай лавозимни баъзилар қуруқ ғалва дейишади. Қайсидир маънода бу гапда ҳам жон бор. Янгийўлда ҳозир 860 га яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Фермер бўлиш истагида югуриб-елиб, жони ҳалак бўлаётганлар сони эса бундан анча кўп. Демак, уларнинг бошини қовуштириш, маслаҳат, фикр, тажриба алмашиб бориш, зарур бўлса кимга қаттиқ туриб, кимгадир озроқ ён босиш, бир сўз билан айтганда, кўпчиликка бошчилик қилишнинг ўзи бўлмайди.

Фермер бугун ўз меҳнати билан эл-юрт орасида шуҳрат қозониб келмоқда. Одатда, давлатнинг юксак мукофотлари фақатгина қилинган хизматлар учун эмас, балки қилинажак хизматлар учун ҳам берилади. Фермер буни теран ҳис қилади. Унинг келгуси эришажак марралари бунданда юксак бўлиши шубҳасиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *фермер Владимир Муродов (ўртада).*

МАВСУМГА ШАЙ

Ангрен иссиқлик энергияси станциясида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари барвақт якунланди.

Мавжуд буғ қозонлари, турбогенераторлар, иссиқлик тармоқлари қайта таъмирланди. Шунингдек, омборда белгиланганидан ортиқ, яъни 234 минг тонна кўмир заҳираси тайёрлаб қўйилди.

Бундан ташқари, корхона шаҳардан Дукент қўрғонигача бўлган 1 километр масофага 420 диаметрли қувурларни ётқизиш ишларини қўшимча мажбурият сифатида ўз ҳисобидан бажарди.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ тасарруфидаги автотранспорт бошқармаси тизимдаги ўндан ортиқ корхона ва ташкилотга хизмат кўрсатади.

Кўмир корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришга замонавий транспорт-техника воситаларини жалб этиш ҳисобига бошқарманинг техника базаси тубдан янгиланмоқда.

ТЕХНИКА БАЗАСИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Шу йилнинг ўзида 5 та «КрАЗ», 10 та автосамосвал, 4 та автокран ва 8 та автобус олинди.

Қишки мавсум олдидан мавжуд техника воситалари кўрикдан ўтказилиб, 39 та «БелАЗ», 51 та машина-механизмлар мукаммал таъмирланди. Шунингдек, ҳайдовчилар қишки махсус кийим-кечаклар билан таъминланди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва оммавий ахборот воситалари» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

ОАВ ВА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ

У Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди. Унда республикамизда таниқли сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, жамиятшунослар, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов учрашувни очар экан, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, жумладан, давлат ҳокимиятининг учинчи бўғини бўлган суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш жараёни давом этаётганини қайд этди. Президент Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, ушбу жараёнда одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Учрашув иштирокчилари ўз чиқишларида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганини қайд этди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон демократик ривожланиш йўли тарафдори эканининг ёрқин мисолидир. Учрашувда ушбу ўзгаришларни амалга ошириш учун белгиланган муддат давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш зарурати билан боғлиқлиги таъкидланди.

ЎзА.

ИЖРО НАЗОРАТИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

кент ва Бекобод тумани МТП акциядорлик жамиятлари ҳисобидан юборилган иккитадан «Кейс» комбайнлари уч суткадан ортиқ носоз ҳолда туриб қолган.

Ғалла вақтида ўрилмай, ҳосилнинг 5 фоизи тўкилиб, С. Раҳимов номли ширкат хўжалигига бир миллион сўм, «Оҳангарон» ширкат хўжалигига 492 минг сўм зарар етказилган. Мазкур ҳолат юзасидан Оҳангарон туман прокуратураси томонидан Оҳангарон тумани МТП акциядорлик жамияти мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳужжатлар судга юборилган.

Бундан ташқари, республика Президентининг 2004 йил 22 сентябрдаги «2005 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари, дон етиштириш ва давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш тўғрисида»ги қарори лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида мелиоратив ҳолати ёмон ва суғориш тармоқлари носоз бўлган 2063,6 гектар, шунингдек, суғориш тармоқлари тозаланмаган 711 гектар ерларга ғалла жойлаштирилишига ва ушбу майдонлардаги ғаллани парваришлашда агротехника қоидаларининг бузилишига йўл қўйилган.

Шу сабабларга кўра, туманда режадагидан 24 фоиз ёки 8368 тонна, шу жумладан, «Дўстлик» ширкат хўжалигида 876 тонна, А. Навоий номли ширкат хўжалигида 1470 тонна, «Янги ҳаёт»да 1160 тонна кам ғалла етиштирилган.

Бугина эмас, юқоридаги қонунбузилиш натижасида «Дўстлик» ширкат хўжалиги 13,4 миллион сўм, А. Навоий номли ширкат хўжалиги 32,3 миллион сўм ва «Янги ҳаёт» 12,9 миллион сўм зарар кўрди. Улар томонидан 2005 йил давомида 22,3 миллион сўмлик иш ҳақи, 175,5 миллион сўмлик бюджет қарзлари тўланмасдан, ширкат хўжаликлари аъзолари ва давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган.

Оҳангарон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари бўлимлари ва давлат кадастри хизмати ҳамда «Дўстлик», А. Навоий номли, «Янги ҳаёт» хўжаликлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлиги ва қайд этилган ҳолатлар зарар билан якунлади.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Янгийўл туман прокуратураси томонидан Янгийўл тумани қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари бўлимлари ва давлат кадастри хизмати, «Тинчлик», «Янгиобод», А. Навоий номли, У. Юсупов номли ширкат хўжаликлари мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон тергов йўли билан атрофлича текширилиши лозимлиги назарда тутилиб, ушбу ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» банди ҳамда 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Техникаларнинг мавсумга тайёргарлиги таҳлил қилинганида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Чунончи, 2005 йил ғалла ҳосилини йиғиб олишга мўлжалланган комбайнлардан Қуйичирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларида 98 фоизи, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманларида 96 фоизи, Оққўрғон ва Янгийўл туманларида 95 фоизи, Қибрай туманида 93 фоизи, Бўстонлиқ туманида 92 фоизи мавсумга тайёрланган, холос. Юқорида таъкидланганидек, баъзи туманларда эҳтиёт қисмларнинг етарли заҳиралари ҳам яратилмаган. Бу эса ғалла ўрим-йиғим мавсумида комбайнларнинг тўлиқ қувватда ишламаслигига, улар тез-тез бузилиб қолишига, ўз вақтида техник хизмат кўрсатилмасдан, маълум вақт бекор туриб қолишига олиб келди.

Шу сабабли вилоят МТПлар бирлашмаси акциядорлик жамияти раиси ўз вақтида вилоят прокуратураси томонидан расман огоҳлантирилди.

«Кучлук» ва «Пахта» нефт-база унитар корхоналарида ўтказилган мониторингларда ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш мавсуми якунлашиб қолган бўлсада, ушбу корхоналар хизмат кўрсатадиган Оҳангарон, Қибрай, Бўстонлиқ, Паркент, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Юқоричирчиқ, Бўка, Пскент, Зангиота, Тошкент, Чиноз, Янгийўл, Қуйичирчиқ туманларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан, нобудгарчиликсиз, ўз вақтида йиғиштириб олиш учун ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари жойлардаги тарқатиш шахобчаларига керагича етказиб берилмаганлиги аниқланди. Бундай нуқсонларга барҳам бериш юзасидан ушбу унитар корхоналар раҳбарлари вилоят прокуратураси томонидан, ўз вақтида расман огоҳлантирилди.

Тошкент, Зангиота, Қибрай, Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларида ғаллага ишлов бериш ҳамда етиштирилган ҳосилни нестнобудгарчиликсиз йиғиштириб олишга тайёргарликнинг аҳволи вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Шу жараёнларда ширкат хўжаликларининг дон сақлаш омборлари мавсумга тайёрланмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги маълум бўлди. Ушбу қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимлари номига тақдимномалар киритилди.

Жойларда ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни ўтказиш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишининг аҳволи ҳам атрофлича ўрганилди, «Оҳангарондон» акциядорлик жамиятига қарашли Пскент шахобчасида дон қабул қилиш омборлари ёнғинга қарши бирламчи ўт ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланмай, электр симларининг резина қобиғи лаборатория синовларидан ўтказилмай ҳамда электр розеткалари носоз ҳолда дон қабул қилишга киритилганлиги аниқланди.

Пскент туманидаги «Пскент», «Туркистон», А. Дўстбеков номли, А. Навоий номли, Й. Охунбобоев номли, И. Ҳайдаров номли ширкат хўжаликларининг дон қабул қилиш омборларида ҳам шунга ўхшаш қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Тошкент туманидаги «Ҳасанбой», «Ўзбекистон», «Тошкент», Навоий номли, F. Абдуллаев номли, Абдураҳмонов номли, F. Умаров номли, Т. Мирзаев номли ширкат хўжаликлари ва тажриба хўжалигида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари юз бериб келган. Ғалла майдонларига ёнғинга қарши огоҳлантирув ва тақиқловчи белгилар ўрнатилмаган, сув заҳираси яратилмаган, ғалла ўримига жалб этилган техникаларга ўт ўчиргичлар ўрнатилмаган, ғалла майдонларининг четлари 4 метр кенгликда шудгорланмаган. Ушбу қонунбузарликлар юзасидан юқорида қайд этилган корхона ва хўжалик раҳбарларига нисбатан туман прокуратураси томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Ғалла ўримига жалб қилинган комбайнчиларга иш ҳақини вақтида тўламаслик ҳолларига ҳам йўл қўйилган. Чунончи, Пскент тумани МТП бошлиғи З. Аширматов ва бош ҳисобчиси Х. Мусаев қўл остидаги ходимларни ўз вақтида иш ҳақи ва бошқа тўловлар билан таъминламаётганлиги аниқланди. Хусусан, туман МТП комбайнчилари 112 минг сўм иш ҳақларини вақтида ололмаганлар. Ҳолбуки, бу маблағ МТП ғазнасида сақлаб келинган. Иш ҳақи комбайнчиларга тўлиқ тўланиши таъминланиб, МТП раҳбари ва бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Айрим туман МТПларида далаларга чиқиб хизмат кўрсатувчи кўчма устахоналар фаолияти лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги ва эҳтиёт қисмлар заҳираси етарли бўлмаганлиги сабабли комбайнлар далаларда носоз ҳолда туриб қолишига йўл қўйилган. Оққўрғон туманида комбайнларни ўримга жалб қилишнинг аҳволи ўрганилганида, «Оққўрғон» ширкат хўжалигида битта «Кейс» аккумулятори носозлиги сабабли, С. Сегизбоев номли ширкат хўжалигида битта «Кейс» электр қисми ишдан чиққанлиги сабабли, «Султонобод» фермерлар уюшмасида битта «Кейс» ғалла ўримида носоз ҳолга келиб, бекор туриб қолган. Туман прокуратураси бу нуқсонлар юзасидан туман ҳокими ва МТП бошлиғи номига тақдимнома киритди.

Прокуратура идоралари шу кунларда 2006 йил ҳосили учун ғалла экиладиган майдонларни тайёрлаш, етарли уруғлик жамғариб, техника воситаларини шайлаб қўйиш борасидаги ишларни ўрганаётирлар. Шу нарса асло унутилмаслиги керакки, режалар ижросининг изчил назорати, барча агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилиши келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишнинг асосий шартидир.

Ҳамза МАҲМУДОВ,
вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 19

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
9.00 «Экспедиция».
9.50 «Зийнат».
10.10 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак». Мультфильм.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Умид манзиллари». Спорт дастури. 1-қисм.
11.40 «Оҳанглар оғушида».
11.45-12.10 «Умид манзиллари». Спорт дастури. 2-қисм.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.40 Биржа ва банк хабарлари.
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Узлото» кундалиги
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Олтин мерос.
21.50 Эркин мавзу.
22.10 «Уста Ҳасан». Телесериал премьераси.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Давр» ҳафта ичида.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 «Уч қурбақа», «Фил учун совға».
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55, 13.10, 22.35 ТВ - анонс.
9.00 Биздан қолажак боғлар.
9.35 Катта танаффус, Болалар шеърияти.
10.00 «Анпанман». Мультсериал.
10.25 «Кино SMS» танлови.
10.30 «Қадимги мавжудотлар». Илмий-оммабоп фильм. 2-қисм.
11.00 Сайёра.
11.20 Менимча.
11.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
12.15 «Тилларанг ришталар жозибаси».
12.30 Хуш келибсиз!.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Эрта сўнган юлдузлар».
13.35 Менимча.
13.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.00 «Саёҳатлар эртаги».
15.40 Чемпион сирлари
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас».
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» почтаси, Соғлом авлод.
17.45 «Мульттомоша».
18.00 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 «Кино SMS» танлови.
18.30 Қишлоқ шифокори.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Саломатлик йўлида
19.50 ТВ-адвокат.
19.55 Менимча.
20.00 Спорт - лото.
20.05 Олис манзиллар.
20.25 Ҳамкор - 2005.
20.35 Мусиқий лаҳза.
20.40 Давр мавзуси.
20.55 «Кино SMS» танлови.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!.
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.40 - 23.45 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус).
18.50 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
19.10 «Экспресс» .
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20«Морена Клара».
21.00 «Экспресс» .
21.20 «Пойтахт плюс».
21.45 «Зита ва Гита». 1-қисм.

СПОРТ

7.30 «Талқин».
8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Версия».
9.30 «Хозяйка судьбы».
10.10-11.20 «Болельщики баскетбола». Мультфильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 Мультфильм.
17.35 «Спортимиз маликалари».
17.50 Баскетбол.
18.50 «Жди меня».
20.00 «Хабарлар»
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 «Проф-ринг».
21.40 «Футбол плюс».
22.20 «Формула любви». Худ. фильм.

СЕШАНБА 20

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция».
9.40 «Рақслар жилоси».
9.55 «Эврилиш». Видеофильм.
10.20 «Янги авлод»
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан».
12.10 «Остонаси тиллодан».
12.35 «Ҳаёт ва қонун».
12.55 «Эгизаклар».
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Табаррук замин».
14.45 «Кўнгил таронаси».
15.00 «Ахборот»
15.15 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
16.10 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Яхшилар ёди».
17.35 «Ёшлик наволари».
17.55 ТВ анонс.
18.00 «Фарз ва қарз».
18.20 «Жавоҳир».
18.25 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Узлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
21.50 «Эркин иқтисодиёт».
22.10 «Уста Ҳасан». Телесериал премьераси.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.

ЁШЛАР

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
16.20 Менимча.
16.25 Олис манзиллар.
16.45 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ёқимли иштаҳа.
17.25 «Оқ бўталоқ«. Мультфильм.
17.45 Равнақ.
18.00 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.05 Янги алифбони ўрганамиз.
18.20 «Кино SMS» танлови.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 ТВ - адвокат.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Фош бўлган риёкорлик.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 Тақдир. Муҳриддин Ҳоликов.
20.30 Менимча.
20.35 «Оила тилсими» туркумидан: Ҳабиб Абдуллаев 1-қисм.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда». Телесериал.
23.25 - 23.30 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Химоя».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара».
21.00 «Инсон ва қонун».
21.20 Экспресс» телегазетаси.
21.40 Кинонигоҳ: »Зита ва Гита» 2-қисм.
22.55-23.00 «Хайрли тун шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.00 «Сам себе режиссёр».
10.30-11.30 Жаҳон спорти: «Теннис».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.35 Баскетбол. Европа чемпионати.
18.35 «Кикбоксинг салтанати».
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 «Футбол шарҳи».
21.10 Таэквандо. Ўзбекистон кубоги.
21.40 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 21

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция».
9.40 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.05 «Фарз ва қарз».
10.25 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.40 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан».
12.15 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
12.45 «Оҳанглар оғушида».
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Шахсий фикр».
14.55 ТВ анонс.
15.00 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
15.55 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
16.35 «Саломатлик» дастури.
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ақл ва идрок».
17.35 «Куйла, ёшлигим».
18.00 «Ибн Сино издошлари».
18.20 «Юзма-юз».
18.40 «Минг бир ривоят».
18.45 «Ошин». Телесериал.
19.20 «Узлото». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оддий ҳақиқатлар».
22.20 «Уста Ҳасан».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 3-қисм.

ЁШЛАР

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!.
16.15, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
16.20 Менимча.
16.25 «Хумо» балетининг яратилиши.
16.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.15 «Кино SMS» танлови.
17.20 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
17.40 «Истиқлолим - истиқболим». Фототанлов.
17.45 Ёшлар овози.
18.05 Менимча.
18.10 «Машҳура» қизлари.
18.20 Автопатрул.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
20.00 Спорт - лото.
20.10 ТВ-дорихона.
20.20 Давр мавзуси.
20.35 «Оила тилсими» туркумидан: Ҳабиб Абдуллаев 2-қисм.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда». Телесериал.
23.25 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
0.15 - 0.20 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Шаҳар қиёфаси».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара».
21.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.20 «Янги иқтисод».
22.00 Кинонигоҳ: «Бир стакан сув». 1-қисм.
23.05-23.10 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.00 «Диалоги о животных».
10.40 «Спорт масканларида».
11.00-11.30 Баскетбол. Аёллар, Мустақиллик кубоги.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Шохруҳ клуби».
17.35 Баскетбол. Европа чемпионати.
18.35 «Айкидо санъати».
18.55 «Кучли бешлик».
19.30 «Вокруг света».
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 Таэквандо. Ўзбекистон кубоги.
21.20 «Баҳодирлар ўйини».
21.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция».
9.40 «Саломатлик» дастури.
10.05 1. «Болалар дунёси». 2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.40 «Ақл ва идрок».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан».
12.15 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Дурдаршан». 2. «Парле ву франса?»
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кўнгил таронаси».
14.40 «Ибн Сино издошлари».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 3-қисм.
16.15 Оҳанглар оғушида.
16.25 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ўзбекистон спорти».
17.35 «Ёшлик наволари».
17.55 «Жавоҳир».
18.00 «Умр манзиллари». 1-қисм.
18.25 «Умр манзиллари». 2-қисм.
18.45 «Минг бир ривоят».
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.25 «Узлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
21.50 «Эркин мавзу».
22.10 «Уста Ҳасан».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 4-қисм.

ЁШЛАР

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Оқ кабутар.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.15 Давр мавзуси.
10.30 Тақдир.
10.50 «Анпанман». Мультсериал.
11.15 Ёшлар овози.
11.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.20 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
12.40 Автопатрул.
13.00 Давр.
13.10 «Оила тилсими» туркумидан: Ҳабиб Абдуллаев 1-қисм.
13.35 Менимча.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Янги алифбони ўрганамиз.
15.35 Чемпион сирлари.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас».
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
17.25 Менимча.
17.30 Тенгдошлар.
17.50 «Истиқлолим - истиқболим». Фототанлов.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 «Кино SMS» танлови.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ - адвокат.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Хамкор - 2005.
19.50 Давр репортаж.
20.00 Узимизники.
20.10 Нидо ва нафрат.
20.50 «Кино SMS» танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда».

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
18.50 «Аёл қалби».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара».
21.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.20 «Фаровонлик бекати».
22.20 Кинонигоҳ: «Бир стакан сув». 2-қисм.
23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.35 «Спорт – менинг ҳаётим».
17.50 «Кучли бешлик».
18.25 «Кривое зеркало».
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Нокаут». Бокс.
21.30 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 23

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Австралиянинг ёввойи табиати».
9.45 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Рокки ва унинг дўстлари».
10.20 ТВ анонс.
10.25 «Юртим жамоли».
10.45 «Нақшлар бўстони».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан».
12.15 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Чинсэн». 2. «Бизнен мирас».
12.45 «Оҳанглар оғушида».
12.55 «Эгизаклар».
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
14.00 «Ахборот».
14.20 «Айтишув».
15.00 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 4-қисм.
15.55 1.»Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2.»Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.45 «Олов – тилсиз ёв».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юксалиш».
17.25 «Кўнгил таронаси».
17.45 «Жавоҳир».
17.50 «Муносабат».
18.25 «Ҳидоят сари».
18.45 «Минг бир ривоят».
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.25 «Узлото» кундалиги
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Буюк сиймолар». М. Мирзаев. 1-қисм.
22.00 «Уста Ҳасан». Телесериал премьераси.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.00 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 5-қисм.
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Тенгдошлар.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 «Эсмеральда».
9.45 Давр репортаж.
9.55 Менимча.
10.00 Бўш ўтирма.
10.20 «Анпанман».
10.40 ТВ - дорихона.
10.50 Нидо ва нафрат.
11.30 «Бор эканда, йўқ экан».
11.40 «Кино SMS» танлови.
11.45 «Машҳура» қизлари.
11.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.45 Менимча.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Оила тилсими» туркумидан: Ҳабиб Абдуллаев 2-қисм.
13.40 Узимизники.
13.50 «Шавкатли Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
15.15 Нигоҳ.
15.55 «Истиқлолим - истиқболим». Фототанлов.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!.
16.15 «Гамлет». 1-қисм.
17.15 У ким? Бу нима?
17.35 Ёшлар ва ҳуқуқ.
17.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.15 Орзулар қанотида.
18.45 ТВ - адвокат.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишдан кейин.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Азизим.
20.35 Давр мавзуси.
20.50 «Кино SMS» танлови.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Кино SMS» танлови.
23.15 «Эсмеральда».

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Имконият».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Морена Клара».
21.00 «Экспресс»
21.20 «Дорихона эшитади».
22.10 Кинонигоҳ: «Асрлар оша».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.20 «Хозяйка судьбы».
10.40 Студия «Равнақ»
10.55-11.25 Баскетбол.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.35 Мультфильм.
17.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
18.00 «Пазанда спортчилар».
18.20 «Дадиллик учун соврин».
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Хабарлар»
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 «Захирадаги спортчи».
21.10 «Спорт клуб». Ринг.
21.40 «Жаҳон футболи».
22.10 Енгил атлетика.

ШАНБА 24

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани: «Картошкалар ва аждарҳо». Мультсериал.
9.35 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.10 «Ҳамкорлик ришталари».
11.25 «Бу турфа олам».
12.15 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-қисм.
13.15 «Интеллектуал ринг».
13.55 «Гоҳи шодлик, гоҳи ғам». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.45 «Гоҳи шодлик, гоҳи ғам». Бадиий фильм. 2-қисм.
17.20 «50Х50». Ток-шоу.
18.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
18.15 «Олтин тож».
18.50 «Ёшлик наволари».
19.05 «Одамлардан бири».
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «Оҳанрабо».
21.00 «Таҳлилнома».
21,45 Гулсанам Мамазоитова куйлайди.
22.05 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 7-қисм.

ЁШЛАР

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10 «Эсмеральда».
9.40 Ватанпарвар.
10.40 Давр мавзуси.
10.55 Табобат оламида.
11.20 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.05 Орзулар қанотида.
12.35 Менимча.
12.40 Ёшлар ва ҳуқуқ.
13.00 Давр.
13.10, 16.10 ТВ - анонс.
13.15 Интерфутбол.
14.55 «Кино SMS» танлови.
15.00 «Гамлет» спектаклининг 2-қисми.
15.55 Менимча.
16.00 Давр.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 Билағон маслаҳати.
16.40 «Ов». Мультфильм.
17.00 Бола тилидан.
17.30 «Кино SMS» танлови.
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Заковат».
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгич.
23.00 «Кино SMS» танлови.
23.05, «Севгим менинг, андуҳим менинг»Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ tTv

«Тошкент» телеканали ижодкорлари «8.00-13.00 « гача деб номланган кўнгилочар информацион мусиқий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт»
18.50 CFI-тақдим этади: «Келажак шаманлари». 3-қисм.
19.40 «Шунақа гаплар».
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.50. «Экспресс»
21.10 «Ибрат».
21.30 «Биргаликда куйлаймиз».
22.30 «Экспресс»
22.50 «Ёшлар даврасида».
23.10 Кинонигоҳ: «Асрлар оша» 2-қисм.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.40 «Хабарлар»
9.10 «Три окна».
9.50 «Джуйгли».
11.00 Баскетбол.
11.30 «Спорт салтанати».
12.00-13.00 «Б. Бурундуков. Последний сеанс».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. «Пахтакор» - «Насаф».
18.50 «Хабарлар».
19.10 Документальный фильм.
20.00 «Хабарлар»
20.30 «Стать ближе».
21.10 «Кучли бешлик».
21.45 «Нокаут». Бокс.
22.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 25

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани: «Картошкалар ва аждарҳо». Мультсериал.
9.35 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.10 «Ҳамкорлик ришталари».
11.25 «Бу турфа олам».
12.15 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-қисм.
13.15 «Интеллектуал ринг».
13.55 «Гоҳи шодлик, гоҳи ғам». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.45 «Гоҳи шодлик, гоҳи ғам». Бадиий фильм. 2-қисм.
17.20 «50Х50». Ток-шоу.
18.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
18.15 «Олтин тож».
18.50 «Ёшлик наволари».
19.05 «Одамлардан бири».
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «Оҳанрабо».
21.00 «Таҳлилнома».
21,45 Гулсанам Мамазоитова куйлайди.
22.05 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 7-қисм.

ЁШЛАР

6.55Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Билағон маслаҳати.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 14.35, 15.05, 19.30 ТВ - анонс.
9.15 Кулгич.
9.25 Болалар экрани: «Бўрининг саргузаштлари».
10.15 Менимча.
10.20 Саломатлик сирлари.
10.40 «Очил дастурхон»
11.00 Ишдан кейин.
11.20 «Маҳобҳорат».
12.05 «Қилни қирқ ёриб».
12.55 Кинотақдим.
13.15 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.
14.40 Азизим.
15.10 Ринг қироллари.
16.00 Менимча.
16.05 Чемпион сирлари.
16.25 «Гамлет» спектаклининг 3-қисми.
17.20 «Кино SMS» танлови.
17.30 Уй вазифаси.
17.50 «Мақтанчоқ филча», «Лоф» уришга ким уста».
18.10 «Кино SMS» танлови.
18.15 «Қадимги мавжудотлар». 3-қисм.
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
19.40 Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов қуйлайди.
20.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.45 Ҳангома.
20.55 Оқшом қўнғироқлари.
21. 05, 22. 05 Эълонлар.
21.10 «Кино SMS» танлови.
21.15 «Муҳаббат ва эҳтирос».
22.10 Мафтунингман, диёрим!
22.15 Спорт антологияси.
22.20 «Кино SMS» танлови якуни Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ tTv

«Тошкент» телеканали ижодкорлари «8.00-13.00» гача деб номланган кўнгилочар информацион мусиқий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
«Тошкент» телеканали ижодкорлари 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилаётган «4 карра йўқ, 4 карра ҳа». телемарафонини соат 18.20дан 00.45 ғача узатади.
18.30 «Миттивойлар мактаби».
18.50 «Шаҳар қиёфаси».
19.10 «Экспресс»
19.25 «Ўлим сўқмоғи».
20.00 «Пойтахт плюс».
20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.00 «Соғлом турмуш тарзи».
21.40 «Ўлим сўқмоғи». 2-қисм.
22.20 «Экспресс»
22.40 «Ўлим сўқмоғи». 3-қисм.
23.10 Кинонигоҳ: «Афоня».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.40 «Хабарлар»
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.20 «Қувноқ стартлар».
11.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.15 «Снукер».
12.15 «Соғлом оила».
12.40-14.30 «Змеелов». Худ. фильм.
17.00 Футбол. «Локомотив» - «Навбаҳор».
18.50 «Талқин».
19.20 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.35 «Тайм-аут».
20.00 «Версия».
20.30 «Мусиқий дастур».
21.00 «Проф-РИНГ».
21.50 «Еврофутбол».

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни 2005 йил 18 октябрь куни соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида қуйидаги ер майдонлари:

— Якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Кумушкон» ёпиқ акциядорлик жамиятига қарашли, сатҳи 0,04 гектар бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 73 920 сўм.

— Деҳқон хўжалиги юритиш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Паркент» ширкат хўжалигида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 13 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 78 672 сўм.

— Якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Бойқозон» ширкат хўжалигида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 гектардан бўлган 2 та

Шундайлар бор бўлсин

МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИК ШАЙДОСИ

Журналистлар, хусусан, матбаачилар орасида «Нур шарқдан таралади» деган ибора машҳур. Бунинг рамзий маъноси ҳам бор, албатта. Мазкур ибора республикамиздаги энг йирик матбаа ташкилоти саналувчи «Шарқ»да «маърифат нури» — китоблар, матбаа нашрлари чоп этилишига ишорадир.

Нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда энг йирик «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ўзининг салкам тўқсон йиллик тарихига эга. Шу давр мобайнида бу ерда қанчаданқанча китоб-у, турли хил матбаа нашрлари неча миллионлаб нусхада чоп этилмади, дейсиз. Республикамизда ушбу китобларнинг ақалли биттасигина бўлса ҳам кириб бормаган хонадон топилмаса керак. Маърифатга йўғрилган бундай савобли ишларда «Шарқ» жамоасининг меҳнати бисёр.

Ушбу маърифат ва зиё масканида ўз меҳнати, қобилияти ва фидойилиги билан танилган бир қатор кишилар борки, улар ҳақида икки оғиз сўз юритиш нокамтарлик бўлмас. Компаниянинг бош директори ўринбосари Тўхтасин Бобожонов ана шундай фидойи инсонлардан биридир.

Унинг бутун ҳаёти ва фаолиятида «Шарқ» катта ўрин тутади. Зеро, кўп йиллик умри, иш фаолиятини мана шу даргоҳда ўтказаётир. Ўз ишини севиши, унга содиқ бўлгани туфайли узоқ йиллардан бери корхона остонасини муқаддас билиб келади. У ҳар қандай шароитда ҳам корхона учун, ишчи-хизматчилар манфаати учун жон қуйидирадиган раҳбар. Ходимлар шу боис бирор масала ёки муаммони ҳал этиш лозим бўлганда ҳеч бир тортинмасдан у билан маслаҳатлашгани келишади.

Баобрў жамоада раҳбарлик осон кечмайди. Биров билган, биров билмаган кўплаб муаммоларни ҳал эта олиш, жамоа бошини қовуштира билиш катта тажриба, чуқур билим ва ташаббускорлик талаб этади. Ана шу фазилатларга эга Тўхтасин Бобожонов мазкур жамоанинг қувонч ва ташвишлари билан яшаб, беқиёс обрў ва ҳурматга сазовор бўлди.

Ўтган йиллар давомида матбаачилик соҳасида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, «Шарқ»да ҳам ишлаб чиқариш, маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Корхонани янги замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уларни ўзлаштириш борасида Т. Бобожоновнинг ҳам раҳбар, ҳам тажрибали мутахассис сифатида ҳиссаси кўп.

У жамоада барча билан қадрдонлардек муносабатда бўлиб, кўпчиликнинг кўнглига тез йўл топади. Хизмат хонаси эшиги маслаҳат ёки кўмак сўраб келганлар учун доим очиқ. Шундан бўлса керак, шогирдлари ҳам анчагина. Улар компаниянинг турли масъулиятли участкаларида меҳнат қилаётир.

Инсоннинг бахти унинг бойлиги ёки амали билан ўлчанмайди. Унинг бахти умри давомида инсонлар учун қилган эзгу амаллари ва бундан ўзи ҳам қониқиш ҳиссини туя олишидадир. Тўхтасин ака бугун ана шундай ҳаяжонли дамларни дилидан ўтказаётган бўлса ажаб эмас.

«Шарқ»чилар шундай инсон билан бир жамоада ишлаб, республикамиз матбаачилиги ривожига имкон қадар ҳисса қўшиб келаётганликларидан фахрланадилар. Зеро, маърифат уруғини экмоқ, билим зиёсини улашмоқ энг эзгу амаллардандир. Эзгу ишга ҳисса қўшмоқ эса кўнгилни поклайди, инсонни улуғлайди. Халқимиз орасида меҳнати билан улуғланган шундай инсонлар кўпаяверсин!

Қодиржон РУСТАМ.

Сиз бунга нима дейсиз?

Кўпдан бери ўйлаб, ўйимга етолмайман. Тушунмасдим. Одамларимиз нима учун умр бўйи яхши ниятда пул тўплаб, кейин бир кечалик тўйдаёқ сочиб юборишади? «Камбағалнинг бир тўйгани — бой бўлгани», деган мақолимиз бўлгувчи эди. Нима, шу куни тўй эгаси бир марта подшо, ўғли шаҳзода, келини малика бўладими?

ҚИСТИР-ҚИСТИР РАИСДАН ҚОЛГАН МЕРОСМИ?

Шундай ҳам дейлик. Умуман, ҳалол даромад қилиб, меҳнатнинг маҳсули — пул топилганда, нега уни тўйларда беписанд сочишади, дўппилар остига қистиришади, чўнтакларга солиб қўйишади? Пул шунчалик тўлиб-тошиб кетдими? Сабаби нимада? Нима учун бу одатга ёпишиб қолганмиз?

Етмишлардан ўтган отахон билан гаплашиб ўтириб, шу мавзуда гап очдим.

— Бир пайтлар кимникида тўй бўлса, колхозимиз раиси шаҳардан бир арава машшоқларни олиб келарди, — деб эслайди қария. — Қарс-қурс, бадабанг бошланди, дегунча раис бувамиз тўйнинг тўрига ўтириб олиб, шотирларига: «Ҳой, Карим, машшоқларга қистирмайсанми?», «Толиб, бу нима ўтириш? Тур, анави ҳофизларга беш-ўн сўм қистир. Ўлар жойдамисан?!», «Тешавой, планни қотирдим, деб ялпайиб ўтираверасанми. Тур, анави чалаётганларга бир-икки сўм ташлаб кел!» дегувчи эди. Ҳаммамиз буни тўғри тушунардик. Раис бувамиз ҳам деҳқонларимиз хурсанд бўлишсин, бир маза қилиб, яйрашсин, дерди-да. Аммо машшоқларга ҳақ тўлаш масаласида, «Тўйда ўзим айтаман, дурустгина пул қистиришади, хизматларингга яраша олиб кетасизлар. Менинг сўзимни биронтаси ҳам ерда қолдирмайди. Бу ёғидан хавотир олманглар», деб кўндиргувчи эди. Агар бironта деҳқон ёнимда пул йўқ эди, деса: «ана кассиримиздан ол, дафтарига ёзиб қўяверади», дегувчи эди. Раис бува кассирни ҳамиша ёнларида олиб юргувчи эди. Мана, замон ўзгариб, тўйларимиз ҳам ўзгариб кетди.

Ҳа, деҳқоннинг оғриниб қистиргани эртасига маошидан ушлаб қолинарди. Кейин унинг уйида қозон қайнайдими, йўқми, бу билан раис бувaнинг иши йўқ, иши битганидан хурсанд. Ҳа, юз йил аввалги бой ўрнига раис, хизматкор ўрнига деҳқон, колхозчи. Мана, йиллар ўтиб, мустақиллик, ошкоралик, бозор иқтисодиёти...

Хуллас, бизнинг тўйларимизда пул қистириш одати ана шу раисларимизнинг саъй-ҳаракатлари, жонкуярликлари, ташаббуслари орқали анъанага айланиб қолган бўлса, ажабмас.

Инкор этиб бўлмайди, ҳозирги кунда ҳам тўйга раислик қилувчи бор. Фақат у бирон колхознинг раиси эмас, маҳалла оқсоқоли ёки фаоли, тўйга таклиф қилинганларнинг ёши улуғроғи бўлиши мумкин. У тўйни очиб бериш ва ёпиш учун таклиф қилинади, холос. Аммо бир пайтлардагидек, пул қистиришга даъват қилмайди. Тўйни очиб берса, бас, ўртакашлар у ёғини келиштириб олишади. Кесиқаси ўйинга чорласа бўлгани. Энди бир пайтлардаги раис ўрнида бир-бирининг ғашига тегадиган қариндошлар, тўй олиб борувчи, жуда бўлмаса раққоса қизлар бу вазифани қойиллатишади. Ўртакаш ҳам қариндошлар ўртасида ҳурматли кишисини топиб олиб, унга аввал ёқадиган қўшиқни хониш қилиб беришса бас, пул деганлари ўз-ўзидан сехрланиб, чўнтакдан-чўнтакларга бориб тушаверади.

Мана шунақа, тўйларда қариндошлар бир-бирларини ҳурмат қилишларини, меҳр-оқибатларини, яқинликларини пул қистириш орқали намойиш қилаверадилар. Ким ўзини кўрсатиш учун давранинг қоқ ўртасига чиқволиб, эринмай, ҳаммага, санъаткорларга ҳам, даврада ўйнаётганларга ҳам йирик-йирик пул банкнотларини қистириб, ёки қўлларига тутқазиб қўйса, бошқаси, айтиш мумкинки, ортиқча сочадиган пули йўқлари мажбурийликдан, қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис қабилида пулларига қўшиб юраклaридан бир парчасини қўшиб тарқата бошлайдилар.

Аслида бу ҳол ҳар томонлама нотўғри, энг хунук иллат, қолаверса, қонунларимизга зид бўлса-да, гўё бу ҳолатнинг тўйларда сочилаётган пулларга дахли йўқдек. Уни кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олинади. Тақиқлаб ҳам қўйилмаган. Бу ҳолни тақиқлаш учун нима ҳалақит бераётганига тушуниш қийин. Менимча, сабаби оддий. Ҳаммамиз тўй қиламиз. Майли, йилда бир марта мақтаниб қолайлик, бир марта шекилли, дик этиб ўринларидан туриб, чўнтак кавлаштира бошлашади.

Тўғри, кейинги вақтларда бозор иқтисодиёти кишиларимизни анча иқтисодчи, тежамкор қилиб қўйди. Тўйларимизни имкон қадар ортиқча дабдабаларсиз, исрофгарчиликсиз ўтказишга эришаяпмиз. Аммо пул сочиш, қистириш, бу — ўз-ўзимизни таҳқирлаш билан баробарлигини, биз ўз ғуруримизни, оримизни, номусимизни оёқости қилаётганимизни англамаяпмиз. Онгимизга михланиб қолган бу маънан қашшоқликни, манқуртликни тушуниб етмаётгандекмиз.

Яна бир гап. Вилоятларда яхши-яхши анъаналар қаторида ўрнак олса бўладиган урфлар бор. Масалан, куёв бўлмишга тўйга келувчи ҳар бир киши шароитига ёки яқин-узоқлигига қараб тўёна беради, албатта, эртага қайтишини билган ҳолда. Шуниси аниқки, куёв бўлмиш бу пулларни машшоқлар устидан сочмайди. Яхши-ёмон кунларига далда бўлишини ўйлаб, олиб қўяди. Ёки озгина қарз кўтарган бўлса, иссиғида қутилиб олади.

Ҳа, тўй — машшоқлар, хонандаю созандалар учун эмас, қовушаётган, эртанги яхши умидли кунлар остонасида турган ёшлар учун хизмат қилиши керак. Пул қистириб, енгил-елпи машшоқларнинг қўлтиқларига сув пуркаб, уларни азиз меҳмон сифатида ортиқча сийлаб юбормаслик керак. Ҳақиқий тўй эсда қоладиган дил сўзлари, тилаклар, чуқур маънога эга бўлган ихчам ҳикоят ва ривоятлар, шеър ва қўшиқлар, сўз усталари иштирокида кулги, аския тинглаш кабилар билан кечани мароқли ўтказиш деганидир. Тўй меҳмонларда худди концерт ёки туғилган кун каби таассурот қолдира оладиган даражада бўлса, кошкийди. Ахир улар видеотасмаларга муҳрланади-ку. Тасмалардаги ички сабабли нима деяётганини билмай турган қариндошларнинг тасвирлари кимга керак?! Тўй эгасигами ёки ёшларгами? Бир кун уларнинг устиларидан қулиб юришлари учунми?

Хуллас, биринчи галда ҳалол, соф меҳнат билан топаётган пулларимизни сочишга, пул исрофгарчилигига йўл қўймаслигимиз керак. Негаки, пулда мамлакатимиз, давлатимиз ғурури ва ифтихорини белгиловчи рамзлар бор. Пул сочаётганларга кўр-кўрона эргашиш эса, ношудлигимиз, ақлан ожизу нотавонлигимиз белгисидир. Қаердаки, пул сочилаётган экан, билингки, ўша сочилаётган, оёқ остида ғижимланиб ёки бир зумда қўлдан-қўлга ўтиб, осонгина янги эгаларини топаётган пулга ҳалоллик билан эришилмаган. Аксинча у қинғир йўл билан топилган. Фақатгина машаққатсиз топилган пул қадрсиз меҳнат учун тўланади ва охир-оқибат ўша одамларга ҳам вафо қилмайди. Шундай экан, биз ўз қадримизни, ғуруримизни, эртанги яхши кунларимиз яроғи — миллий валютамиз, сўмимизни топтамаслигимиз, қадрсизлантирмаслигимиз керак. Зеро, ҳамма нарса каби пулнинг ҳам уволи тутади.

Зоир ЗИЁ.

Футбол

ҚУРБОНОВНИНГ ИККИ ТЎПИ

Мамлакат 14-миллий чемпионатининг олий табақаси жамоалари навбатдаги 18-тур учрашувларини ўтказдилар.

Етти учрашувнинг 5 тасида майдон эгалари, бир учрашувда меҳмонлар зафар қучдилар. Бир учрашувда дуранг натижа қайд этилди. Дарвозаларга жами 22 та тўп киритилди.

Хавфли ўринда турган вилоятимиз вакили «Металлург» ўз майдонида Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси билан баҳс юритди. Танаффусгача дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Иккинчи бўлимда майдон эгалари устунликни ўз қўлларига олдилар. 48-дақиқада Мухтор Қурбонов шериклари ҳаракатини самарали якунлаб, ҳисобни очди. Шундан сўнг меҳмонлар жавоб тўпини киритиш учун астойдил киришдилар. 60-дақиқада ҳисоб тенглашди. Томонларнинг барча уринишлари 90-дақиқагача самара бермади ва 1:1 ҳисоби сақланиб қолди. Учрашув бош ҳаками иккинчи бўлимга беш дақиқа вақт қўшиб берди. Қўшимча вақтда ҳам майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди ва ниҳоят сўнгги дақиқада Мухтор Курбонов меҳмонлар дарвозасини иккинчи бор ишғол қилди.

Қизиқарли ўтган учрашув 2:1 ҳисобида «Металлург»нинг олтинчи ғалабаси билан якунланди. Вакилларимиз очколари сонини 20 тага етказиб, жадвалда ўнинчи ўринга кўтарилиб олдилар.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Трактор» — 5:2, «Насаф» — «Навбаҳор» — 2:2, «Нефтчи» — «Бухоро» — 4:2, «Машъал» — «Самарқанд-Д» — 3:1, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Локомотив» — «Тўпаланг» — 0:1.

Навбатдаги ўн тўққизинчи тур учрашувлари 17 сентябрь шанба куни бўлади. «Металлург» ўз майдонида «Тўпаланг»ни қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

«КАМАЛАК»КА АЪЗО БЎЛИШДИ

Вилоятимиз мактабларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Камалак» болалар ташкилотига тантанали қабул қилиш тадбирлари давом этмоқда.

Ана шундай тадбир Ангрен шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли 20-мактабда ўтказилди. Жами 400 нафар ўқувчи иштирок этган бу тадбирда 2-синфларнинг 80 нафар фаол ўқувчиси ушбу ташкилотга қабул қилиниб, уларга аъзолик кўкрак нишони, эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра РИХСИЕВА.

Сканворд



НОДИР АСАРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб Ўрол Тансиқбоев, Усто Мўмин, Оганес Татевосян, Николай Карахан каби машҳур мусаввирларнинг ўтган аср 20-30-йилларига мансуб асарлари кўргазмаси очилди.

Ушбу музейда узоқ йиллар мобайнида томошабинлар нигоҳи тушмаган, икки ярим мингдан ортиқ экспонат бор. Нодир тасвирий санъат асарлари улар орасида салмоқли ўрин тутади. Уларнинг аксарияти «авангард» услубида яратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур кўргазмада тасвирий санъат ихлосмандлари саксондан кўпроқ ана шундай услубда яратилган асар билан танишишлари мумкин.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Газетанинг навбатдаги сони 24 сентябрь шанба куни чиқади.

Ҳаёт сабоқлари

Ҳовли дарвозаси қия очиқ. Лекин одат бўлиб қолганми, қўнғироқ тугмасини босдим. Ҳовлида садо эшитилмади. Йўқ, аслида боланинг бўғилиб йиғлаган товуши элас-элас келаяпти.

Яна тугмачани босдим, қўнғироқни узоқ жиринглатиб чалдим. Лекин ичкарида ҳамон жимжитлик.

Охири тоқатим тоқ бўлди, дарвоза қатидаги ним очиқ эшикдан йўлакка кирдим. «Ким бор?» — дея қаттиқ чақирдим. Ҳамон бўғилиб йиғлаётган боланинг товушидан бошқа овоз эшитилмайди. Бола, чамаси ёшига тўлмаган чақалоқ, хириллаб қолган. Ҳовлига ўтиб, боғга разм солдим. Бирон шарпа сезилмайди, гўдак эса энди бўғилиб-бўғилиб хириллай бошлади.

Касбий ҳиссиётим устунлик қилдими, беихтиёр юрагим уриб кетди. Кучли ҳавотирда зинадан чиқиб, эшик дастагини тутдим. Лекин қулфланганми — очилмади. Шошилганимча, икки-уч шақиллатиб тортдим, қани очилақолса!

Шу пайт деразанинг синиқ ойнасига кўзим тушиб қолди, бир амаллаб илгакларини чиқариб, ромни очдим. Таниш ҳид димоғимга урилди. Энди астойдил ташвишга тушиб қолдим. Хонага тушдим. Боланинг товуши ичкаридан эшитиляпти.

Эшикни аста очдим, ичкаридан газ «гуп» этиб димоғимга урилди. Бола каравотда бўғилиб ётарди. Уни олдиму, айвонга олиб чиқдим, яна кириб ичкари хоналарни айланиб кўрдим. Учинчи хонадаги печдан вишиллаб газ чиқиб ётарди. Уни аста ўчирдим, деразаларни, эшикларни эҳтиёткорлик билан бир-бир очдим. Энди болани кўтариб, ҳовлига чиққан ҳам эдим, боғ томондан аёл кишининг чинқириғи эшитилди:

— Вой-дод, мусулмонлар! Уйимизни ўғри босди! Боламни опқочиб кетаяпти!

ИШ УСТИДА ТЕРГОВ

Мен анқайганимча туриб қолдим. Болани ток сўриси тагидаги каравотга ётқизишимни биламан, жувон келиб юлқинганича:

— Болани бер, номард! Қаёққа опкетмоқчисан, уни?! — деб бақирди.

Тилим калимага келмай қолди, сўррайганимча, ҳовли ўртасида турардим. Одамлар йиғилишди, бир кекса киши кела солиб қулочкашлаб юзбошим аралаш мушт урди...

Бир пайт кўрсам, эшикдан милиционер кириб келаяпти. Унга кўзим тушди-ю, бироз енгил тортдим.

— Хўш, нима шовқин?

— Манави ер ютгур боламни ўғирлаб кетаяптикан, ушлаб турибмиз, — деди жувон афти-ангори анча ўзига келиб қолган гўдагини бағрига босганича, йиғламсираб.

— Ҳа, санми, шоввоз? — милиционер менга чимирилиб қаради.

— Гап бундай, ўртоқ сержант...

— И-я, и-я, тили калимага келиб қолди-я, қизиталоқнинг, — деди мени урган киши яна ҳезланиб.

Милиционер унга бир қараб қўйди-ю яна менга ўгирилди. Энди гапни қисқа қилиб, аҳволни тушунтира бошладим. Шу пайт уй бекаси:

— Пожарний эмиш! Ёлғон гаплари, — деди яна йиғлаб. — Бола ўғриси бу! Газ йўқ. Ўчган кечаси. Уй совуб кетиб, болани аранг ухлатдим. Энди боғ этагида пиёз ўтоғини бошлагандим...

— Бунга нима дейсан? — милиционер менга қаради.

— Ичкарига кириб кўринг, газ бор. Илгари ўчган бўлса, ўчгандир. Опам болани ухлатиб, пиёз ўтоққа кетганларидан кейин улаган бўлишлари мумкин. Хоналарни газ тутиб кетганди, бола кўкариб ётарди. Ана, ҳали ҳам оғиз атрофлари кўкариб турипти.

— Телефон борми? — энди сержант аёлга мурожаат қилди.

— Ана, айвонда, — у ичкари кириб, стол устидаги аппаратни дераза ёнига суриб қўйди.

— Алло, бу газ идорасими? Навбатчими, яхши. Мен милиция сержанти Иброҳимовман. Айтинг-чи, Қаҳрамон қишлоғида бугун газ ўчирилганмиди? А?! Нечадан-нечагача? Яхши, раҳмат, — у дастакни жойига қўйди. Кейин менга ўгирилиб, аста-аста гапирди. — Раҳмат, ука, болани аниқ бир ўлимдан, хонадонни офатдан қутқариб қолибсан.

Боядан буён шовқин-сурон кўтариб турган одамлар ўнғайсизланиб қолишди. ...Кечки пайт ишдан келсам, уйимизда ҳалиги аёл эри билан ўтиришипти. Дастурхон ёзилган, отам чой қуйяптилар. Мени кўриши билан нотаниш киши ўрнидан турди:

— Шарифжон ака, исми жисмига монанд экан ўғлингизнинг. Шундай йигитни тарбиялаганингиз учун раҳмат, — деди-да, сўнг мен томон юрди. — Кел, Фарҳоджон, бағримга бир босай! Кўрмайкўрмай, Худо берган нуридийдам учун, — кўришиб бўлгач, у орқага бир қадам ташлади, ўнг енгини кўтаринқираб, қўл соатини ечди.

— Мана буни қўлимга контрадмиралнинг ўзи тақиб қўйган йигирма беш йил олдин. Ўшанда жанговар отсекдаги ёнғинни бартараф этганим учун. Кемада портлаш юз берса, бутун команда ҳалок бўларди, — нотаниш киши ўнг қўлини елкамга ташлаб мени яна бағрига босди. — Агар сал кечиксанг, ер юзидан номнишонсиз кетардим, Фарҳоджон!..

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ МАВСУМДА ПРЕМЬЕРА

Республикамизнинг барча театрлари сингари Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри ҳам ўзининг янги ўттиз саккизинчи мавсумини "Эскирган муҳаббат" номли спектаклнинг премьераси билан бошлади.

Чинакам муҳаббат, садоқат ва вафо туйғуларини тараннум этувчи мазкур спектакль режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг навбатдаги ижод намунаси бўлиб, унда воқеалар ривожи асосан ота ва фарзанд орасида кечади. Театр ижодкорлари ёзги таътил вақтида юртимизнинг Фарғона водийси ва Қашқадарё вилоятига гастроль сафарларини уюштириб, турли жанрлардаги саҳна асарларини томошабинларнинг эътиборига ҳавола этишди. Театр жамоаси навбатдаги гастроль сафарини Хоразм вилоятига уюштиришни режалаштирган.

«Туркистон-пресс».

«GRAND MAHSULOT SAVDO» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Усмон Носир кўчаси, 8-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Ўзбекистон ёшлари «Камолот» ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Диёр Алимовга падари бузруквори

Абдумалик АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-844. Адади 2874. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 2 3 4 5 6